

Юлдашева ва Барно Хоним Марибжановна

КУНГИЛ ВАРАКЛАРИ

Сборник стихов

Кунгил вараклари. Сборник стихов / альманах - г. Москва
Всероссийский информационно-образовательный портал «Магистр» 2024 - 106 с.

ISBN: 978-1-4461-6264-4

ISBN: 978-1-4461-6264-4

© Коллектив авторов., текст, 2024
© Методическое пособие 2024
© Всероссийский информационно-образовательный портал «Магистр», 2024

ЙЎЛДОШЕВА БАРНО БЕГИМ МАРИЎЖОН ҚИЗИНИНГ “КЎНГИЛ ВАРАҚЛАРИ” КИТОБИ ҚЎЛЁЗМАСИГА ТАҚРИЗ

Жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг:” Бу дунёга берилиб охиратингни унутма, охират ишига машғул бўлиб бу дунёнгни ташлаб қўйма”–деган ҳадислари бор. Кўриниб турибдики, инсон икки дунёси саодати учун яшаши, ишлаши, ижод ва ибодат қилиши, тижорат, зироат билан шуғулланиши лозим экан. Яна ҳам бошқачароқ айтганда, ҳазрати Баҳовуддин Балогардан Накшбандийнинг:”Қўлинг ишда, қалбинг Аллоҳда бўлсин”–деган ўғитларига амал қилиб яшаган одам икки дунё саодатига ноил бўлиб ва муъмин банди, солиҳ уммат ва яхши фуқаро маноқибига эришади. Аллоҳ барчамизни шундайлардан қилсин!

Ушбуларни келтиришимиздан мақсад аксарият аҳли илм ўзининг дунёқараши, қайси воҳа вакили эканлигига қараб муаммоларни фақат бир ёқлама, ё диний, ё дунёвий жиҳатларинигина ёрита олади, холос. Дунё муаммоларини иккала нуқтайи-назардан ёрита оладиган комусий олимларимиз эса, таассуфки жуда камёб. Ўз замоналарида ҳазрати имом Абуҳомид Ғаззолий, ундан кейин ҳазрати шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфгагина бундай иқтидор ва маноқиб насиб этолган, холос. Жумладан, ҳазрати шайхнинг табобат, медицина борасидаги битиклари (Ҳадис ва ҳаёт, 17 жуз) ҳар қандай медик олимлариникидан тушунарлироқ ва теранроқ, унда замонавий медицина, Тибби Набавийя ва халқ табobati уйғунлашиб кетган. Бошқа замонавий фанлар хусусидаги ҳазрат битиклариям шундай мукамал ва муфассалдир. Олимларимиз кўп, аммо аксариятида қалам, ижодкорлик етишмайди, ижодкорларимиз сон-саноксиз, аммо афсуски уларнинг қатта қисми илм борасида ноқис ва юзакидирлар. Барно Бегим Йўлдошева ўзлари медицина соҳаси вакили бўлишига қарамасдан қалбига Аллоҳи Карим илоҳий илҳом солган, қўлига барокотли қалам тутқазган, Каломуллоҳнинг бир қатор сураларини ёд ололган солиҳа ва муъмина зот бўлиб, Аллоҳи карим инъом этган салоҳияти, иқтидори боис замонавий дунё муаммоларини ҳам бугунги дунёвий илм, ҳамда диний далил ва ашёлар билан изоҳлаб кетган ажойиб шеърлар тўплами яратибдилар.

“Кўнгил варақалари” китоби қўлёмасини тақриз ва таҳлил қилиш жараёнида ўзимиз учун зарур бўлган кўплаб ташбеҳлар, тиббий ва фалсафий мушоҳадалар, далиллар, ва дунёвий ашёлардан боҳабар бўлдик. Илм дарёмиз янада бойиди, муаллифдан Аллоҳ рози бўлиб, илмларини зиёда қилсин!

Ҳадиси шарифларда “Яхшиликни чеҳраси очик, хушрўй одамлардан изланг”, дейилган. Барно Бегим айнан шу исломий талабларга тўлиқ мос келадиган шогирдларимиздан. Уни қачон кўрсам, телефондан овозини эшитсам, қувониб кетаман, негаки у ҳамма вақти некбин-оптимист, ўқиш-изланиш жараёнларида, ижодий масалаларда муаммолар дуч келишига қарамасдан, ҳамма вақти кўнглини чўктирмайдиган, фақат олға ва олға интиладиган, муомала маданияти ва мулоқот санъатини мукамал эгаллаган, ВИЖДОНни турмуш тарзига айлантира олган солиҳа зот. Бир сўз билан айтганда-КУЧЛИ АЁЛ. Унинг интилувчанлигига, илм ва ижодни уйғунлаштириб олиб боришига, иссиқ истарасига таҳсин ва тасаннолар айтаман.

Таҳлил ва тақриз, таҳрирдан хулоса сифатида шундай дея оламиз: Замонавий дунёвий илмларда ҳам, калом илмларида ҳам улкан тафаккурга ва ўз ўрнига эга бўлган шогирдимиз Барно Бегимнинг ушбу назмий тўплами кўлёмасини мароқ билан ўқиб чиқдик. Улардан дунёқарашларимиз ва кўникмаларимиз хазинаси янада бойиганини, инсонийлик ва муъминлик томонга яна бир қадам қўйганимни ҳис қилдик. Албатта, кўлёмда ҳали ишлов берилиши лозим абзацлар, мисралар бор, жумладан айрим ташбеҳ ва истиораларда мавхумликлар бор, баъзи шеърларда туроқ, вазн сақланмаганлиги кўриниб туради, орфографик ва грамматик хатолари мавжуд, уларнинг аксариятини таҳлил ва таҳрир мобайнида тўғрилаб кетишга ҳаракат қилдик, аммо бадий ва техник муҳаррирларнинг синчков ва кунжков кўзларидан бир қарра ўтиши китобни янада ўқимишли ва фойдали бўлишига олиб келади. Агар ушбу китоб лотин ва кирилл графикасида минглаб нусхада чоп этилиб фуқароларимизга тарқатилса, ҳар бир хонадоннинг энг улуғ бурчаги-меҳробиди турса, одамларга ҳақни-ботилдан, ясорни-яминдан ажратиб берадиган, кўзларига суртиб ўқиладиган, умрнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган яхши бир китоб бўларди. Замондош ва заминдошларимизга яхши бир китоб муборак бўлсин деб.

Мухтасарда айтадиган гапим: Барно Бегим, биз Сиз билан, ҳамеша олға!

Тақризчи:

Халқаро Турон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Табобат ва тарих фанлари доктори, Европа табиий фанлар академияси, Республика Ҳалқ табобати академияси, Халқаро “Экология и здоровье человека” Илмий академиялари академиги, Турон Халқ Ёзувчиси,

Республика Соғлиқни сақлаш аълочиси ва олий таълим
фидойиси , олий тоифали жарроҳ

Фақиров Алижонҳожи Зоҳидович (Алижон Зоҳидий)

ЎЗБЕГИМ

Тилагимдир сенга бир жахон,
Мақтасам-да, мақтангулигим.
Бағрингда мен, эрка болангман
Тинчлиги ярашган ўзбегим.

Хирмонинг тўла, тилло зарга,
Боғларинг-чи, Олма, хурмога.
Бошин эгар шоли, буғдойим,
Тантим узинг, эркам ўзбегим.

Амир Темур, Широқ мардлиги,
Мерос бизга Ибн Синодан.
Тиббиётни юксалиш йўли,
Ўхшаши йуқ биттам ўзбегим.

Бағрида гул, устирган лолам,
Сенга яраш, қовун, гул сайлим.
Сувинг зилол, шифо тупроғим.
Соддагина буюк, ўзбегим

"Бешигимдан то қабиргача"
Илимга кон, бағри кенглигим
Миттигина олимлар сенда
Шоирларга бойим ўзбегим

Дуппилари ярашган бошга,
Улуғлари бошлаган ошга.
Ёшлар доим, тинмаган ишда,
Илимларга коним, ўзбегим.

Тантим, миттим эркам узбегим

МЕХР ОҚИБАТ

Армон, алам, хукмин ўтказиб борса,
Кўнгиллар азобга, йўлларни очса.
Ўткинчи дунёда зўравон кулса,
Ҳаммадан қолар, қолар дунёда,
Меҳр-у оқибат адашган анча.

Инсонлар-чи ўхшаб, боряпти қорга,
Бир зум музлаб гоҳо, бир зум эриса.
Синмайди ошиқча, гаплар кўнгилга,
Ҳамма ковоғ солиб, юрагин тилса,
Меҳр-у оқибат, қолди қайларда.

Танбехдан хулоса, бўлмаса яхши,
Гап топар ҳар гапга, бўлиблар бахши.
Эх, инсон эканда, инсоннинг нақши,
Рангоранг юзларда, қизарган камда,
Меҳр-у оқибат, пулларга қолса....

ҚАЗОГА ҚАДАР

Сўрайман ёлвориб гохо тинмайн,
Шошилиб кетаман, шукур қилмайин.
Жаннатинг хохлайди, кўнгил бетайин.
Юрак хаста дардим, кимга айтайин.
Гох кечикиб қолар ибодатларим.

Ажални пайқасам, халоватим йўқ,
Дунё ташвиши кўп, абадият йўқ,
Ошиқади сенга жумлаи жахон.
Чўпон ямоғича ибодати йўқ,
Гох кечикиб қолар ибодатларим.

Фафлат уйқисидан бонг уриб уйғат,
Қадам ташласак гунохдан тўхтат.
Амал қилмасдан кўпайябди аҳд,
Зикрингда кам, дуода кўп кафт.
Гох кечикиб қолар ибодатларим.

Шайтонни сиртмоғи, мойли ёқимли,
Гунох бекатлари гулларга бойли.
Кўнгилларни авраб, олар чиройли.
Ўзинг қўлла асра бўлай иймонли,
Гох кечикиб қолар ибодатларим.

Дунё иши бахона, қазо намозлар,
Қоқилсак зикрда гунохкор тиллар.
Виждон қарши чиқар, оқлашга юзлар.
Раббим сархисоби, қазога қадар,
Гофил қилма кўпайтир ибодатларим....

Садоқатин синаманг эркак.

Садоқатин синаманг еркак,
Синдирсангиз бутлаб бўлмайди.
Баъзан қаттиқ бўлса ҳам сўзи,
Мағрур туриб кўнгли йиғлайди.

Меҳри йўқ деб, ўйламанг эркак,
Бардошига тоғлар қулайди.
Аёл бўлса унгада тиргак,
Подшоҳлардек жасур яшайди.

Ёш болага ўхшайди эркак,
Меҳр берсанг, яйрар боладек.
Овунар тез маккора нозга,
Тоғ яратар меҳрингдан жиндек.

Ор номус деб яшайди эркак,
Пашшадан фил ясайди эркак.
Қўли қадок, кўнглидир мурғак,
Ўйлаб қадам ташлайди эркак.

Она , сингил, ёрнинг васлида,
Рўл ўйнайди дил сахнасида.
Ғурур орин, пеш килманг унга,
Борин бериб яшайди эркак.

Чирок денг ёритар йўлни,
Ширин сўзлар, тўсса ҳам йўлни.
Подшоҳим денг, эркалаб эрни,
Сиз билан бут эрлик мақоми.

Кўнгил, хаёт жанглар майдони,
Ёзолмайди дард дастурхони.
Ширин сўзлар унингдир жони,
Халоватга мухтождир эркак.

Гоҳ худбин гоҳ виждонсиз бўлар,
Гоҳ қалбингиз тилиб йиғлатар.,
Жахли шамолдай осмонга учар.
Қизларим деб қуванар эркак,

Бардошини синаманг эркак,
Топишига қараманг эркак.
Аёл топса, урпоғ бўлмайди.,
Баракани конидир эркак.

Қириқтамас, қириқминг жони,
Пайғамбардек улуғдир шони.
Оқар қайноқ жўшқиндир қони,
Хаммасига розидир эркак.

Баракани конидир эркак....

ЯНГИ ЙИЛ

Кириб келгин, янги кунимга,
Янгилаб кел, орзуларимни.
Шод дилларни арғимчоғига,
Ўралиб кел бонг урган кеча.

Анорларни даналаридек,
Янги йилга ўзингсанда бек.
Орзулари олам кўнглимга
Фикрларим уруғини эк.

Яшил чироқ безанган арча,
Шахарларни кўрки ўзгача.
Тилло зарга ўралган шахар,
Омад келтир яъна яънгича.

Бегоймлар кўз ёш тўкмасин,
Мусофирлик нонин кўрмасин.
Аждодларни рухи қўлласин,
Очгин янги бахтлар эшигин.

Қолмасин, фарзандсиз уйлар,
Аълла билан янграсин сўзлар
Ўксимасин нозик кўнгиллар,
Шодлик олиб келгин янги йил.

Нотинч сўзи бўлсин бегона,
Гина, уруш қолсин ардона.
Тинч элимда ўзинг дурдона,
Зиё нурун тарат янги йил.

Асра ўзинг банда жонини,
Ор номуси шараф шонини.
Халолу пок бўлсин топкани,
Қутлуғ қадам бўлгин янги йил.

Умидимиз улкандир сендан,
Орзулардан гилам тўшадим.
Остонада турма тезроқ кир,
Дуоларга тўлдирдим кафтим.

Хар инсонга омад бўлиб кел,
Тўйлар бўлсин, тинчлик олиб кел.
Бисёр сенга айтар сўзим бил,
Нурлар ёғдир ЎЗБЕКИСТОНГА.

Янги йил

Мана бугун янги йил,
Ойлар кучиб келябди,
Саргузашга бой бу кун,
Аллоҳ ҳадия қиябди.

Тантаналар бошланди,
Серияллар йўқ уч кун,
Кобин саргузаштлари,
Телвизорда тинмас кун.

Болажонлар яйрайди,
Қорбобо шукуҳидан,
Совға олиш бошланди,
Шеърлар айтиб юракдан.

Янги йилда янгича,
Янги орзу бўлакча,
Бир бирига барча дил,
Эслар гўзал тилакча.

Меҳр нурлар таралар,
Шифо сўрар дардманлар,
Байрам тўйга уланар,
Умид кўп янги йилдан.

Гина қолмас дилларда,
Ҳамма унитар бу кун,
Кайфиятлар юз фоиз,
Жигарлар йиғилан тун.

Олийгоҳда байрамлар,
Ой бошидан бошланган,
Шоир ва шоиралар,
Қаламлари тинмаган.

Саҳналарда яйрашар,
Декан, устоз, Ректор ҳам,
Ҳазил сахна кўриниш,
Кўнгил олиш мужассам...

Яшил чироқ тинмаган,
Арча гўзал безанган,
Қори йуқ Намонгоним,
Боғи зарга ўралган.

Афсонавий боғига,
Тўлиб кетибди одам,
Ёши қари барчани,
Янги йил қилдику жам.

Ҳамма йўл олди қорга,
Тўла қор Перивалда,
Темур, Нодир патирлар,
Машҳур Ўзбекистонда.

Янги йилга янгича,
Тилак давом этади,
Сизга тилайман қайта,
Тилагим мангу байтда.

Ўзбекистон тинч бўлсин,
Саҳий бойлар кўп бўлсин,
Ҳар бир хонадонларда,
Олималар улғайсин.

Ҳирмониға барака,
Меҳр ёмғири ёғсин,
Дехқонларни ерлари,
Ҳосилларға бой бўлсин.

Жуфтлар жуфтин топсинлар,
Ажиримлар йўқ бўлсин.
Яйраб ўсган болалар,
Бахтли оилалар кўп бўлсин.

Алишер Навоийлар,
Машраб, Темурийлар ҳам,
Тарихий замондошдек,
Донишмандлар бўлсин жам.

Ҳар бир хонадонларда,
Тўлсин китоб растага,
Дунё кезсин болалар,
Забони чет тилларда.

Имунитет кўп бўлсин,
Еганиммиз гўш қази,
Дастурхонлари тўкин,
Ризқ рўзи, улуғ бўлсин.

Ҳокимлар халқни ўйлаб,
Ишсиз кўнғил камайси,
Турпоқ лой ўнқир йўллар,
Аспалт йўлга айлансин...

Фабрика ю заводлар,
Корхоналар кўпайсин,
Юртимиз ўғлонлари,
Рассиялаб юрмасин.

Давру даврон сурайлик,
Кабатуллох кўрайлик.
Қурон бўлсин нашида,
Ибодатлар қилайлик.

Ўзбекистон жаннатим,
Дўстлик эли кўп бўлсин.
Номардлагарга хеч мутож,
Тангрим кўллаб қилмасин.

Янги йилим янги кун,
Муборак Ўзбекистон,
Иккиминг йигирма тўрт,
Кириб кел эсон омон.

Йил кузатиб ўртоғин,
Бағрин очди эски тун,
Бонг уриб соат мили,
Кириб келди янги кун...

Севинг ўзингизни бугундан бошлаб

Севдим мен ўзимни, бугундан бошлаб,
Сизлар ҳам севингиз, ўзингиз қизлар.
Бу ҳаётга бир бор, келамиз ахир,
Келажак биз билан гўзал аёллар.

Севинг ўзингизни, бугундан бошлаб,
Сизла жаннат бўлсин, дунёи замин.
Пойнгиздан гул унсин, бахт балқиб турсин.
Севсинлар сизни ёр, ўзидан ортиқ.

Севинг ўзингизни, бугундан бошлаб,
Сизла хонадонда бўлади байрам.
Зафарлар қучади, алплар ҳам бардам.
Сиз бекларга бўйсиз, бошингиз асранг.

Севинг ўзингизни, бугундан бошлаб,
Қадрсиз бўлмасин, босган изингиз.
Отасиз ўсмасин, фарзандлар йиғлаб,
Сўзингиз сеҳридан турсинлар бўзлаб.

Севинг ўзингизни, бугундан бошлаб,
Шукурлар ичида ёндириб яшанг.
Сизни билмаганлар бўлсинлар адо,
Гина андухларни йўқ қилиб ташланг.

Севинг ўзингизни, бугундан бошлаб,
Кўндинг кўп ҳаётни паст баландига.
Бола, рўзғор дединг, ор ғурурим деб,
Қачон ўзинг учун юролдинг яшнаб.

Севинг ўзингизни, бугундан бошлаб,
Қадоқ қўлларингиз, сайқаллаб олинг.
Ойнага қаранг, ва ўзингиз мақтаб,
Менсиз дунё эмас фаровон замин...

Юртим посбонлари.

Қадди каби қадри баландлар,
Тинчлик учун сафда тиргаклар.
Байрамларда бедордир тунлари,
Омон бўлинг доим посбонлар.

Эл равнақи юксакдир сенла,
Ор номусинг буюқдир элда.
Сен подишоҳ Сохибқуронсан,
Сен борсан ғам, йўқолар менда.

Тинчлик дея жон берган ўғлон,
Сен даҳосан сенсан ҳақон.
Куч қудратинг яшнаткан бўстон,
Сенла омон бу Ўзбекистон.

Қахратонми? саратонда ҳам,
Сафда мағрур наряд олиб жам.
Ором олмас тунлари бардам,
Қалқонларни асрагин Эгам.

Ёв йўлолмас шонингдан сени,
Мардлар ичра яғонам мени.
Тинч элимни светафорлари,
Омон бўлинг юрт посбонлари.

Тинчлик дея жон берган ўғлон,
Сен даҳосан сенсан ҳақон.
Куч қудратинг яшнаткан бўстон,
Сенла омон бу Ўзбекистон.

Сен туфайли осмон мусаффо,
Сен туфайли юртимдир сафо.
Кўрки парвоз посбоним танхо,
Юртим дея жонидир фидо.

Кўриқлайди шараф шонини,
Омон сақлар ўзга жонини.
Тинчлик элим асл боғбони,
Аллоҳ асра юртим посбони.

Тинчлик дея жон берган ўғлон,
Сен даҳосан сенсан ҳақон.
Куч қудратинг яшнаткан бўстон,
Сенла омон бу Ўзбекистон.

Бағрингизда сизни овунган кўнглим...

Оёғимни чалиб тўссада йўлим,
Эх, борини бериб кўтарган кўнглим.
Яхшиям ёнимда борсиз онажон,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.

Зоғлар чўкир эйвох, хасратларимни,
Безар бўлди доғлар умур йўлимни.
Баъзан афзал дедим хатто ўлимни,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.

Қузғунлар йўлимни беркитди қанча,
Қорлар ёпди изим сукунат анча.
Кулиб дўсту-душман, ҳанжар санчканда,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.

Саратонда ёмғир эзар юракни,
Пинҳона кўзларим тўкар ёшларни.
Туну кун чироғим бўлдингиз мени,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.

Хузуринга бориб неча бор қайтдим,
Дўзах оловидан сесканиб айтдим.
Офият сўрадим, кечир гунохим,
Бағрингга боргунча асра Аллоҳим....

Қанча насиҳатлар қилмаганда кор,
Сўзинга кирмадим вақтида зинҳор.
Умрим ўхшаб қолган гох сувсиз анҳор,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.

Йўл қаратиб қанча кўзингиз толди,
Бедор тунларингиз, умрингиз олди.
Фарзандингиз биров худбинроқ бўлди,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.

Қанча миш мишларга кулди кўзларинг,
Кулиб Аллоҳ дея ширин сўзларинг.
Жаннатдир пойнгда дунёим менинг,
Бағрингизда сизни овунган кўнглим...

ИЛТИЖО

Ҳар онимда ҳамроҳим,
Бирдай меҳри қайноғим.
Асраган тану жоним,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Суюб синаб сабримни,
Тинглаб дарду охимни.
Кечиргин гуноҳимни,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Дунё дедим бердинг қўл,
Дуо дедим бердинг мўл.
Ҳар ишимда очиб йўл,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Хор қилмагин ўзгага,
Мухтож қилма меҳрга.
Дардимни айтай сенга,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Ўтинчим бари сенга,
Кўнглим берма дунёга.
Ҳасад деган азобдан,
Ўзинг асра Аллоҳим.

Ғийбатига хушим йўк,
Шукур дейман кўнглим тўк.
Ҳар бир сўз отилган ўк,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Кечикса ибодатим,
Қазо бўлса намозим.
Сафар юрсам ҳамроҳим,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Намозим қилай қойим,
Жаннат бергин илоҳим.
Ибодат безар умрим,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Асра ота онамни,
Асра акам опамни.
Эркатој қизалоғим,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Оқибат уруғин сеп,
Никобни юзлардан еч.
Кибирни кўрмагин еп,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Қанча рўллар ўйнадик,
Қанча кўнгил овладик.
Тавба қилиб тинмадик,
Ўзинг асра Аллоҳим.

Сарсон қилма жонларни,
Шифо излаб юрганни.
Дариф тутма меҳрингни,
Ўзинг асра Аллоҳим.

Арзон бўлмасин меҳр,
Беваларни камайтир.
Йўқ бўлиб кетсин қахр,
Ўзинг қўлла аллоҳим.

Сенга мухтож бандангни
Тавба қилган барчани...
Асрагин она юртим,
Ўзинг қўлла Аллоҳим.

Прократура ходимлари

Адолат қонундир ҳатто ҳаёти,
Достондир битсанг гар, унинг баёти.
Гох хавас қилади оддий ҳаётни,
Соғ бўлинг Прократура ходимлари.

Тунларда уйини топади аранг,
Уйига келгунча асаби таранг.
Ёш жонига асаб холига қаранг,
Соғ бўлинг Прократура ходимлари.

Ойлаб гох йиллаб, сафарда юрар,
Юртим деб жонидан ҳатто кечади.
Фарзандин гохида аранг қучади,
Соғ бўлинг Прократура ходимлари.

Бўхтон-у тухматга табассум килса,
Нафси балоларга ҳам тузоқ бўлса.
Юраги бақувват муштидан катта
Соғ бўлинг Прократура ходимлари

*" 8- январ "Прократура ходимлари" куни билан барча
прократура ходимларини табриклайман!*

АЁЛ

Қуёшга ўхшайсан, меҳринг ҳам қайноқ,
Осмон ҳаё қилар, бунча кўнглинг оқ.
Иффори жаннатим, эй кўнгли юмшоқ,
Таърифи ожизим ўзингсан аёл.

Гулга қиёслайми? гулдан аълосан,
Ҳуснингни мақтайми? ойдан аълосан.
Бир умур мақтасам, мақтовим битмас.,
Сен ахир бебаҳо ўзинг танҳосан.

Жангчига ўхшайсан, совути қалин,
Рўзғорни ғорини ямар тинмайин.
Таърифинг битсами?, сен донишмандсан,
Аллоҳим яраткан улуғсан аёл.

Эҳ мағрур қадингни эзса умидлар,
Фирдавс йўлларни орзу қиласан.
Кўзларинг йиғлаб ҳам, сўзларингда бол,
Бунчалар сиймоси, нафиссан аёл.

Куни билан тинмай, тунлар бедорсан,
Тиловат безар ва, кўнглинга ҳузур.
Юзлари нурлигим, ҳушвақт навосан,
Матонати буюк, чинорсан аёл.

Ғамларга тўсиқ йўл, метин бардошинг,
Шер ҳам бардошинга бўларкан таслим.
Дунёда сендан зўр, бўлмас муаллим.
Одам Ато ҳам, суюб деркан малагим.

Қириқта жони бор, таърифинг бисёр,
Бир кўлида бешик, дунё тебратар.
Истасанг бой қилар, бахт қасрин кураар,
Бунчалар аъшори беорсан аёл.

Сен бўлмасанг йўқ эди, меҳр муҳаббат,
Сен бўлмасанг йўқ эди, чиройли таъриф.
"Ҳунук", "чиройли" сўз, бўлмасди машҳур,
Мома Ҳаводан сен мероссан аёл.

Беминнат беғараз меҳр булоғи,
Дуо Аршга етар нолалар бари.
Доим болам дейди, султоним мени,
Латофат, нафосат, фаришта аёл...

Гўзалсан аълосан, ҳамиша аёл.

Дунёга назар

Ўтиб борар умур айёми,
Ўтиб борар бахтни карвони.

Ортда қолар ёлғон дунёси,
Қолар бойлик ҳам каму кўсти.

Дунё жонмас дунё кўнгилмас,
Бу дунёни айтинг ким дўсти.

Мурғак жонлар ётибди аранг,
Дўст риштаси, афсус қалбаки.

Ҳукуматни бошидир таранг,
Қанча қонлар оқябди аттанг.

Қанча гўдак туғилмай ўлган...
Қанча ситам кўнгилда қолган.

Ибодатда бўлмаган қанча,
Ипак мато билмаган қанча.

Сочи белин қучмаган сулув,
Тинч, ҳаловат кўрмаган анча.

Гўшангага кирмаган шунча,
Ёлғон яшаб боряпмиз бунча,

Қазо қилиб намозларини,
Шухрат қувиб умурларини.

Мағрурликни кийб ҳижобин,
Макон билган ёлғон дунёни.

Тили бошқа, дилидир бошқа,
Танимаслар ҳатто Қуронни.

Ҳанжар урар дўст дея четдан,
Сўзи боши бўлар иймондан.

Мансаб учун дунёга келган,
Унут унга бўлмоқлик қалқон.

Дунё дея бегона виждон,
Англармакин буларни инсон.

Нафс дегани ғолиб чиқади,
Шох бўлиб қул, ўзи билмайди.

Гох жигарим деб ўтирмайди,
Кўзларни ёғ босган замон бу.

Дунё дея англаб бўлмас у,
Асов миниб юрган инсон-ку.

Сатангларга қўл узатар жим,
Суннат дея зино хам устун.

Учта тўртта хотинлик бугун,
Бу дунёни олгандай тутун.

Кўз-кўзни танимас бу кун
Суннат асо юраги тугун.

Қанча башар дунёни кезар,
Қанча ночор тупроқни кучар.

Ибодатни билмаганлар ҳам,
Кабатуллоҳ қаршига сузар.

Қор кўрмаган кабатуллоҳим,
Осмон йиғлаб кирларин ювар.

Ҳижоб ичи ижоддан тинмас,
Кўзга қараб сўз айтар кунмас.

Эх манфатсиз, бирон иш битмас,
Залолатни қўйнидан чиқ бас,

Дунё дея юрак йиғлар сас....
Эх, шайтон йўлдан урган эмас.

Жаннат, жаннат деб орзу қанча,
Сўрамоқни хаё қилмаган.

Кексайганда топгани ситам,
Гофил, таҳажжудни билмаган.

Ё Аллоҳ деб сахар тур сен ҳам,
Дунё қувар АЛЛОҲ демаган.

Қанча мушфиқ жонлар ораста,
Маломатга ошно пайваста.

Бўхтон, дoston дунёси ханда,
Ёлғиз аёл нишон бирпасда,

Кўздан оқар ёш эмас қони,
Вафо билмас кўнгил дунёси...

Нафсига қул, кўнглига ғофил,
Чимилдиқ кўрмай аёлми? номи.

Садоқадга нечун йўқ кафил,
Иродаси, йўқ ор номуси.

Мардликни билмаган жоҳил,
Асролмаса, юрт қизларини...

Оғзи полвон, қўли ботирлар,
Иймон сўраб жоҳил кўнгиллар.

Қаср аммо ғурбат бу уйлар,
Башанг усти мўғир кўнгиллар.

Оқибатни унуткан улар,
Ака учун ўлган сингиллар.

Латифалар кулдиран юзни,
Тилло зарга тўлдиран қизни.

Отаси тенг хожаси уни.....

Кўнгил боғима келиб, бунча вайрон этдинга,
Эҳ, кўнглима олгунча шодумон зор бўлдинга.
Кима дод солай айтай, ишқима ҳор этди деб
Томошшоға қанча кўз, муштоқ андоғ этдинга.

Бўғзима жон тикилди, ўлмоқ истади кўнгил,
Макони йўқ кўнимга, сарсонун ҳайрон бу дил,
Қузғунлари хар ёна, истамоқ этди чўқир,
Сохта ишқни ўтида, кўзларим бўлди сўқир....

Ҳаловатни тополмай, девонага айландим,
Чорасиз ишқ ўтинда, машрабдин ёна ёндим.
Васлинг армондир мана, хавас қилар холима йўқ,
Холима кулма дилбар, бахтла ёнгсанг кўнгил тўқ.

Ўн саккизмнинг олам яратмиш Аллоҳ,
Иймонга чорлагай, кўп бериб паноҳ.
Саноларга тўлсин, бўлай деб гувоҳ,
Маҳшарни танлади Авлиё Аллоҳ.

Зоҳрий-ботиний, покликдан сўзлаб,
Кезди умматим деб, яхшилик излаб.
Истикболни битди, неъмат куллуқлаб,
Қабоҳатдан қайтинг, юрманг деб бўзлаб....

Фаришта, инсонни таърифлаб деди,
Зоҳирий-Ботиний поклигим мени.
Залолатдан асрар эй, инсон сени,
Мосуво фаришта нафси йўқ уни...

Зеро ҳар оятда, нозил қилди у,
Покланмоқ гавҳари зоҳирий танни.
Яхши кўрарди пок, кўнгилларни у,
Қалб поклиги жаннат абадий йўли.

Шайтон чалар, тўсар, йўлингни башар,
Одам ва Ҳавога қазиган кўп жар.
Ҳатто либосинга ташлаб у назар,
Шайтон душманлиги, қиёмат қадар.

Эҳтиёж бахона ким кул, мол дунё ўтиға,
Инкор этмоқ истар дил, аммо ойна жаҳонға.
Мол келар бўлса ҳарчанд, берилма дунёларға,
Дунё катта корҳона, ҳақ тўлар бил ошкора.
Шоядки зафар топсанг, ҳаволаниб кетмагил,
Мол дунёға муҳаббат, қўймоқ катта фожия.

Сиз яхшисиз сиздан зўри чиққунча,
Раҳматлар ёғилар ишинг битқунча.
Дуосида борсан яшнайсан бир зум,
Кафтлари тўлиб, эсдан чиққунча.

Сиз яхшисиз сиздан қадари устун,
Дўстингиз дўст топиб, кўнгил олгунча.
Даҳо сўзларингиз ёқмайди букун,
Бир, икки ой ўтар, узилар ришта.

Сиз яхшисиз сиздан, кочдими фойда,
Бўйнингизда қолиб ҳақни хирожи.
Минг аср яшаган юраги ҳаста,
Дўстдан кўра душман бўлгани яхши.

Сиз яхшисиз сиздан фойда бўлгунча,
Ҳамёни қаппайиб қафан кўргунча.
Бомдод, Пешин, Аср, Шом, Хуфтон ўқиб,_1
Жаҳаннам ўтида ётибсиз ёниб.

Сиз яхшисиз бахтни йўлин топқунча,
Неъматлар конига қадам кўйгунча.
Ҳом сут эмган банда, эканда башар,
Тавба кўпаяр, учраб мусибатга.

Сиз яхшисиз сиздан зўрига қадар,
Қанча кўзлар кўрди, ланатлар падар.
Дунёси зулмат ташрифи заҳар,
Ўзига ўзи чоғ қазир қадамлар....

Ўзларига ўзи душмандир асли
Ўзигани кўролмас афсус одамлар

ВАТАН

Муаттар гулларга тўлди ватаним
Қошингда яйрайман диллаода қувонч
Истиклолинг куйлар жўшиб ватаним
Юракда ғайрату қалбимда ишонч

Тушларимдасан

Кўнглимни эркаси бўл,
Битмас қалб яраси бўл
Қўлларимга бергин қўл,
Қай шаҳарни қизисан,
Маликани ўзисан!

Тушларимга киргандинг,
Юрагимни олгандинг,
Келишингни билгандим,
Йўлингга зор кўзларим,
Телбаномга сўзларим!

Ёнаёткан оловсан,
Порлаёткан куёшми?
Тўлин ойдаи аьлосан,
Кафтларимга ўрайми?
Рашким ёмон билмйсан!

Ҳаёл қилсам васлингни,
Рашким ҳаёлим бузар,
Жоним демокқа сени,
Сўзимдан сўз қизғонар,
Ишқ рангимни ўчирар!

Кўзим қилди зиноплар,
Ногоҳ тўлди гуноҳлар,
Давомсизми? бу оҳлар,
Шивирлайди лаблар жим,
Бўйсинмайди ҳисларим!

Хушомадли сўзларим,
Жовдирайди кўзларим,
Ҳаста ўзи юрагим,
Кутган ҳаққи йилларим,
Қўлинг тутсин қўлларим!

Талаба дафтаридан..

(Паталогик Анатомиа ходимларини ишларини ишлаш
жараёнларини кўриб илҳомланиб битилган шеър)

Ҳар куни учун минг, шукурлар қилиб,
Кўзлари кулсада, юраги ёниб.
Моркга майтларни келсалар олиб,
Ёқасин тутарлар, илтимос қилиб,
Яқинлари ёрманг, дэя дод солиб.

Иш экан, не қилсин, кўнгли поради,
Хўп дер рахми келиб, лек начоради.
Бир кунда неча бор, қалби яродир,
Дерлар билиб билмай, бағри қоради,
Профессор фан доктор, лекин инсонди.

Талабчан қаттиқ кўл, талаба учун,
Маъруза бошланса, сукунат устун.
Оқ ҳалат кўрки дер, чин доктор учун,
Дер ёз, чиз, тайёрлан, ўқишинг мухум,
Қанча жон муштоқди, келажагинг чун.

Маъсулият сенга, бўлсин йўлдош деб,
Чарчамас хар дарсда таъкидлаб ўтиб.
Бекор ўтмасин кун, кет бахоланиб,
Альбом, термин, конспект юринглар олиб,
Микросиз атработка, бўлмас топшириб.

Ташми талабалар, юрибди сарсон,
Профессор Эшбаев, бўшамас хамон.
Атработка топшириш бўлмокда армон,
Таниш билиш аттанг, ўйнамас хеч хам,
Рассомга айланган талаба гирён.

Нолишлар кўнгилни, бузар хонишлар,
Арз қилиб, талаба излар танишлар
Ҳатто Уч баҳо, розидир уларталр,
Лекин яхши кадр, биздан чиқарар,
Биз ҳам сиздай бўлайлик, азиз устозлар.

Устоз

Бир муршид тиловдим Худойим сендан,
Зотан мен ким эдим, демайман ҳеч ҳам.
Сизни кўрмоқликка етказди Эгам,
Ўзимда йўқ шодман устозим чиндан.

Улуғлар ёдини қилардим ҳавас,
Хаёлим мансабмас, обрў-шон эмас.
Шундоқ яшаб ўтиш жонимга бир қасд,
Сизсиз битикларим оддий бир нафас.

Жилғадек жимирлаб, унолмаган гул,
Умримни сўроқлаб келмоқдадир ул.
Далли-девоналик юракдаги кул
Сизгача армонни кучгандим буткул.

Кўрдим, бордим, кездим минглаб устозни,
Эҳ, садоси сасга бормаган етиб.
Пойтахтга келиб оҳ, топдим мен Сизни,
Армонларим сизга келганми учиб?

Рухим тўла эди бир ҳовуч дардга
Қовурғам ботарди, сатрсиз кунга.
Ҳаваскор шоира оддий қизманда
Ҳавода учарди байтларим аста.....

Сиз босган муборак йўллардан юриб,
Тушларимда Аллоҳ Ҳабибин кўриб
Сиз каби Умрага, Ҳажларга бориб
Мени ўз сафига олсин аҳли Тиб.

ЯХШИЛАР

Йўлларимни ёритдингиз гоҳ,
Ғийбатларни аритдингиз гоҳ.
Ҳаммасига бўлдингиз гувоҳ,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Йўқчиликдан тиним билмадим,
Кулсангиз ҳам гина қилмадим.
Тобланиб, тобланиб яшнадим,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Бойиб кетсам кўролмаганлар,
Йўқчиликда беролмаганлар.
Сўзи билан уролмаганлар,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Баъзан жўшар меҳр муҳаббат,
Юрагимга берар ҳаловат.
Хар сўзингиз бўлганда омад,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Бир хатога бешта олдим дарс,
Шу бир қўлдан, чиқмайдику қарс.
Керак бўлди сизла бўлган баҳс,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Наҳорларда ошга айтдингиз,
Жўра дея қўлим сиқдингиз.
Сўзингиздан гоҳо қайтдингиз,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Интернетда мингта сайтингиз,
Ортимданмас юзга айтингиз.
Аксингизми профилингиз,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар....

Фазилатим ёритибсиз о,
Орзуларим бойитибсиз о.
Сиздайи йўқ меҳрибон гўё,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.

Бирон нима таъма қилмадим,
Не тутсангиз индамай едим..
Барчангизга соғ бўлинг дедим,
Яхшиям сиз борсиз яхшилар.....

(Ошиқ йигитни бўй эркатой қизга сўзлари...)

Қалби қуёш ойимсиз,
Тенги йўқ чиройимсиз
Мақтасам энг бойимсиз,
Бой отамни шўх қизи.

Сўзларидан бол томар,
Бой қизи менга ёқар,
Осилсанг бира тўла,
Баланд дорни топ жўра.

Малибуни миндирар,
Хаммасини кўндирар.
Битта уй хам берворар,
Бой отамни шўх қизи,

Ойдин бўлсин йўлингиз,
Кулиб жон олишингиз.
Айтинг кимга ўхшайсиз,
Бой отамни шўх қизи.

Бахтли қиламан ўзим,
Бой ота, йигит сўзим.
Сизга берсинда тўзим
Бой отамни шўх қизи

Алдамадим айтдим рост,
Мен сизчалик боймасман.
Уйда ўрнатаман пўст,
Рашким ёмон бўшмасман.

Ойни вада қилмасман,
Юлдуздек порлатсам хам.
Хаммасига кўнсам хам,
Кўчага қўйвормасман.

Хижобингиз бўлсами?
Ой юзингиз тўлсами?
Сизга айтсам бир сирни,
Умра бўлар асал оyi.

Қўлни қўлга туткан қиз,
Олинг Малибуйингиз.
Уйим бор уй керакмас,
Синовдан сиз ўтдингиз.

Сабабсиз сенга соғлиқ сўрамаслар,
Сабабсиз сеними? Сендек суймаслар.
Сувсиз сахро санар саноғинг сени,
Сени сохта суяр сирдош санамлар.

Борлиғинг бермагин бардошинг бадал,
Борингни бозори бағрингни бузар.
Бунчалар бағри боғ бўлма бунчалар,
Бисотингга битмас битмишлар байтлар.

Бунча бағринг тош сени...

Севсам севгим сезмайсан,
Суйсам синаб суймайсан,
Соғинч синар сабримни,
Бунча бағринг тош сени.

Алам азоб армонда,
Айтгин арзон арзанда,
Айрилиқ алангада,
Бунча бағринг тош сени.

Гулгун гуллар гулзорда,
Гирён гавҳар гувоҳда,
Гоҳо гавҳар гуноҳда,
Бунча бағринг тош сени.

Ёлғонми? Ёр ёнишинг,
Ёмғирларни ёришинг,
Ёнишинг ёт ёрижон,
Бунча бағринг тош сени.

Тикон тақдинг тўнимга,
Тошлар тўша танамга,
Товба тортдинг тоғимга,
Бунча бағринг тош сени.

Оқшомимда оймидинг,
Омадсиз омадмидинг,
Олтинми, олмосмидинг,
Бунча бағринг тош сени.

Бахт бер, бахт бекатидан,
Баҳоси бебаҳодан,
Борим бўлгин борлиғим,
Бунча бағринг тош сени.....

Армон

Ёмғирдек тўкилиб адо бўляпман,
Йиғлайман, беркиниб йиғлайман ёниб.
Бир зумлик соябон керакмас менга,
Ёмғир тинса қайга бошимни қўйиб,
Кимга айтай, айтай, арз додим ёниб.

Боқманг кўзларимга йиқилади ёш,
Роҳат нима? Уми? Соғинчга йўлдош.
Не синовни кўрди мурғаккина бош,
Бир зумлик керакмас порлоқи қуёш.

Ёмғирдек йиқилма пойимга бўлди,
Керакмас ёлғонинг дунёни олди.
Фалакни фиғони оҳларимга бош,
Кимга вафо қилган бевафо йўлдош.

Ҳазонга ўхшатма умримни мени,
Гулни сўлишини қилмагин рўкач.
Гулга вафо қилар тупроқ ва фалак,
Сен тупроқ эмассан, эмассан фалак.

КЎНГИЛ

Кўнгил кўчасин юрганда кезиб,
Қўшиқ йўлдошим сени ахтариб.
Мусаффо осмон тинчини бузиб,
Сени севаман Юлдузим дедим.

Шабнами кучган майсаларга боқ,
Жамолимни кўр юрагимдир оқ.
Гуллар келтирдим сенга бир кучоқ,
Севгилим Лола лолақизғалдоқ.

Васлингни ўйлаб тунларим бедор,
Бағрим қон қилар нозларинг бисёр.
Гўзаллар ичра сараси Дилдор,
Ёдимда эмас ёнимдаги ёр.

Ҳаста юракни малҳами кўзинг,
Ташрифинг ёқар ёқимли сўзинг.
Тушларимни сен эгаси ўзинг,
Юракда қолган Барнойим изинг.

Қўлингни бергил, қўлларимни тут,
Сени севаман ҳаммасин унут.
Узук тақайин кўзлари ёқут,
Келаман Азиза сен мени кут.

Васлинга етай фақат мени де,
Бахтни қасрида қўлинг тутай кел.
Маликам Малак оҳ, султоним де,
Ёрим эканинг ҳатто билсин эл.....

Махшаргача

(Жойингиз жаннатда булсин)

Кимларга ишониб кетдинг,
Мурғаккина юракчаларни.
Юрагимни нимталаб кетдинг,
Кетдинг кимга ишониб мени.

Кўз ёшимга тўлади дунё,
Сенсизликка чида олмас дил.
Мени кимдир бегим дэр гуё,
Телба бўлиб қолдимми буткул.

Сийратларинг соямда сени,
Сухбатимда ҳамиша борсан.
Қандоқ кўзинг қийди кетгани,
Ташлаб ахир ўғилларимни.

Сағир йиғлар митта юракча,
Аmmo менга кулади ножанг.
Сендек мени авайлаб аста,
Кулиб боқар ўғилларим ҳам.

Ахтлашгандик махшар онларни,
Боғларига бирга киришга.
Нега бунча шошдинг-а ,эрта,
Саратонда музлатдинг қара.

Хали битта туйлар қилмадик,
Чой ичмадинг келин кулидан.
Келинга деб уйлар кўргандик,
Сенсиз, файзсиз хувуллаб қолган.

Гулим дэсам эркаланардинг,
Елкамга бош ,куярдинг эркам.
Оғриб жонингер ботмадими?
Эрта тупрок кучганим эркам.

Биринчи қор ёғибди бугун,
Момиқ палто берайми олиб.
Олдим иссиқ рўмол бош учун,
Кел ўзимга, куяй кийғазиб.

Маили дэсин кўрганлар телба,
Қорни кўрай қабринг устидан.
Кўрпа тўшай келтирдим сенга,
Бир озгина исиниб олсанг.

Бағринг бериб етасан ерга,
Бетоб бўлиб қолмагин яна.
Ўғилларим соғинди жуда,
Менчи адо бўляпман қара.

Дунёларга тўймаган гулим,
Эркам, тантим, сохибжамолим.
Мени кечир асрайолмадим,
Кечир мени вафоли ёрим.

Кўришамиз энди махшарда,
Бир кун сени излаб бораман.
Жаннатлардан жой олгин менга,
Бахтга тўлиб яшаймиз яна.

Эркин домла Эшбаев...

Билим бериб толмаган,
Кунда неч бор ох, деган ,
Морк хонада ишлаган.
Сизни яхши курамиз,
Эркин домла Эшбаев.

Қаттиқ кўл, кўнгли очик,
Дарсда йуқ унда тусиқ.
Дарсни қилмасанг тўлик,
Ўтмас дарс саволи лик,
Эркин домла Эшбаев.

Рассом бўлиб кеттик биз,
Микроскоп орган чизиб,
Чизма ўхшамаса дер,
Бу нима кел ўхшатиб.
Эркин домла Эшбаев.

Музейдами бир қанча,
Банка ичи органлар,
Бири ўсма, бири рак,
Яллиғланиш ҳам ётар.
Эркин домла Эшбаев.

Профессор фан доктор,
Хар мавзуга, бор фактр,
Қўлингизда кўп тақдир.
Ўқи дэр тўғри хақдир,
Эркин домла Эшбаев.

Баъзан кўнгил йиғлайди,
Ҳамма ўлим эслайди.
Тошбағирлик бўлмайди,
Дил чидолмай, кийнайди,
Эркин домла Эшбаев .

Моркка кириб кечди хис,
Ўлим ҳақ бэмаҳалдан,
Бетоблигу азобдан...
Асра Аллоҳ узокдан...,
Дэдим домла Эшбоев.

Сизга омад тиладим,
Асло чарчоқ билмангиз,
Ранжитса гар талабалар,
Асло ҳафа бўлмангиз.
Эркин домла Эшбоев....

... Мана оралик яқин,
Ўзлаштиришлар секин,
Аммо интилиш тайин,
Мавзу айтиб берайин,
Эркин домла Эшбаев!

Дарслар бўлиб бўлмаса,
Атработка олмаса,
Ўқиб айтиб бермаса,
Қайдон келади баҳо,
Эркин домла Эшбаев!

Дилшод домла йўқ мана,
Шукуров кетиб қолса,
Сизда бироз вақт йуқда,
Эҳ баҳо энди қайда,
Эркин домла Эшбаев!

Маъсулият эсса ҳам,
Доим ишда бўлса ҳам,
Бироз тин олмас ором,
Тўғри қийин жуда ҳам,
Эркин домла Эшбаев.

Ўқиймиз ўрганамиз,
Ишончингиз оқлаймиз,
Беринг мавзу барин сиз,
Ўқиб билиб оламиз,
Эркин домла Эшбаев.

Яқин қолди дарров,
Яқуний имтихонлар
Ёрдамингизга мухтож,
Бахоси йўқ талабалар,
Эркин домла Эшбаев

Талабалар юзингиз
Олар сабоқ илмингиз
Уялтириб кўймаймиз
Ёрдам қилиб турсангиз
Эркин домла Эшбаев

Айт мен сенга аслида кимман...

(Камола Абдувалиева шеърларидан илҳомланиб)

Нигоҳларинг, ботиб кетса ҳам,
Кўнгил тори чертиб турса ҳам.
Сен ўша-ўша, бэфарк ошиқсан.
Сўзларинг сохтами не жимсан,
Айт мен сенга аслида кимман?

Ўйин қилиб туйғуларимни,
Ох! Сабримга соя соласан.
Такдир ёзган битикларини,
Қанча муҳокама қиласан,
Айт мен сенга аслида кимман?

Эга чиқдинг хаёлларимга
Қуйдинг ширин сўзинга боғлаб.
Юрибман ишқ ёниб ёғида,
Севгинг Ёлгонми? Ростми? Билмам,
Айт мен сенга аслида кимман?

Нигоҳларинг ёлгонмиди айт,
Зайнаб эмас, Кумушингга қайт.
Ишқ олами сенга битар байт.
Мен ушадур сенинг Барнойинг,
Айт мен сенга аслида кимман?

Сезаман, биламан, ёнаман,
Ҳисларингга кўнглинг буйсинмас.
Сохта ишқинг, айт не қиламан,
Ёлгон ишқинг билсамда жимман,
Айт мен сенга аслида кимман?

Мажнунтолдек эгилган ишқим,
Соясида турасан жимсан.
Бир қарорга қачон келасан,
Тафти йуқ куйдим ишқингдан,
Айт мен сенга аслида кимман?

Қўйвор қўлим хафа бўлмайман,
Юрагимни ортиқ эзмагин.
Сенга бирор маломатим йуқ,
Суймадинг лэк сенда ёндим ман,
Айт мен сенга аслида кимман?

Шифокорлар

Жонга жондош меҳрибон,
Сўзи шифо зиёсиз.
Бурчим дэя кечар жон,
Тунлари ҳаловатсиз.

Бемор билан яшайди,
Кулса ёришар кўнгли.
Сира тиним билмайди,
Илим излаб толмайди.

Гулкозадек шириндир,
Кальций Хлордек иссиқ.
Глицирендек сокин,
Топар гириппга тўсиқ.

Менирал сувдек керак,
Микро элементлардек.
Хужайралар чирпирак,
Бўлар бўлмаса Медик.

АТФ ингиз кўп бўлсин,
Иммунитет юқори.
Гемоглобин зўр бўлсин,
120/80 Қон босими.

Гепаксия гепатитдан,
Гастиритдан асрангиз.
Вақтида дам ола билинг,
Аьло бўлар Хаётингиз.

Дардни берибди Аллох,
Сабабчиси Шифокор.
Муомилада озррк,
Эътибор қилиш даркор.

Яхши ёмон сўз бирдай,
Олар кўнгил уйини,
Омон бўлинг шифокорлар,
Топинг жаннат йўлини....

ШИФОКОРЛАР

Фидо жони халкига,
Ором билмас кечалар.
Ҳаловат йўк уйқуда,
Соғ бўинг Шифокорлар.

Қишда порлаган қуёш,
Гуёки ёрқин ойсиз.
Борсиз кўп тўкилмас ёш,
Соғ бўлинг Шифокорлар.

Жангда кезган жангчидек,
Юрт дэя жони куяр,
Ўлимга тик боққар у,
Туни бедор бурчим дер.

Сехирлидир кўллари,
Оромбахшда сўзлари.
Ярашар оқ ҳалати,
Соғ бўлинг Шифокорлар.

Лойиқсиз мақтовларга,
Содикдир касб корига.
Шифо излар беморга,
Соғ бўлинг Шифокорлар.

Курашади жон билан,
Тунларин улап кунга.
Чарчок нима билмайди,
Саломатлик йўлида.

Улашип турса меҳр,
Яшашга завқи ошар.
Беморларга шифо бер,
Дуода Шифокорлар.

Касбидан олди куч,
Фахрлансак арзийди.
Бас келолмас ёвуз куч,
Соғ бўлинг Шифокорлар.

Кулфат келип замонага
Сараланди қанча жон.
Изланишдан толмади,
Ватаним деган инсон.
Соғ бўлинг шифокорлар.

АЛФРАГАНУС

Алфраганус бекати,
Тўла ҳар доимгидек.
Йигирма тўрт, етмиш бир,
Кутганлар бир талай мендек.

Кўриняпти кеп қолди,
Опа автобузингиз.
Яхши боринг мен кетдим,
Кечга хабарлашамиз.

Гувалашиб чикяпмиз,
Тугамайди одам.
Ё кўпаймас сира хам,
Майдалашган қадам.

Тўлип кетди автобус,
Ичи тўла талаба.
Мавзу турли муҳокама,
Яшаш узи ғалаба.

Сўзлар бири муҳаббат,
Бири дарсдан гапирар.
Бири янги кўчирган,
Ғам килар сессиядан.

Асосийси бўлмасинда,
Олмаса бўлди пора.
Ўқип бир амаллаб,
Топшираман начора.

Мақтади ёнидаги,
Катта имкониятлар.
Иқтидор бўлсами?
Сенга тайер мақтовлар.

Чет тилини билсангиз,
Уқишлар аъло ўлса.
Дарс қолдирмай келсангиз,
Тайерда гранд сизга.

Жуда тема қизиди,
Манзилга етип қолдим.
Ҳуллас ҳамма ўқийди,
Олийгохим зўрсанда,

Танлаб сени адашмам,
Менбоб олийгохсанда.
Алфраганус дўстларим,
Жойлашган Юнусободда.

Бевафо дунёда,
Вафо қолмаган.
Ишонсанг кўнглинг,
Оғритар инсон.
Сохта инсонлар,
Аралаш замон.
Хамма никобли,
Ажратиш гумон.
Севсанг севги,
Азобла берса.
Ишқдан сўзлаб,
Юрагинг тилса.
Ўзга санамларга,
Қиёслаб хуснинг,
Эркакни марди,
Колди эх кайда.
Савобни никоб,
Қилганлар қанча.
Иккинчи турмуш,
Курол қилганлар.
Бирига вафо,
Килмаган юрак,
Қилмасми жафо,
Иккинчисига.
Айтайин Кимни,
Имомми кори.
Оддий халққа,
Ўрнакку улар.
Уларда йўқми?
Дил оғритишлар.
Иложсиз кўнган,
Ожиза шўрлик.
Қанийди ҳамма,

Чуқур ўйласа.
Пайғамбар бўлган,
Фақат ягона.
Мисол қилманг,
Илтимос сизга.
Вафо қилинг,
Асл турмушга...

Вақт ажратинг....

Сиздан битта истагим бор,
Нозим билан туришим бор.
Майли Доим бўлмасада,
Вақт ажратинг кунда бир бор.

Сиз чунқилай ширин таом,
Пардоз, андоз билан салом.
Кўнгил учун олинг калом,
Вақт ажратинг кунда бир бор.

Меҳнат билан ҳоримайман,
Мақтасангиз чарчамайман.
Ширин сўзни гадосиман,
Вақт ажратинг кунда бир бор.

Вой қолипди соч илиниб,
Недир чиқди эсдан чикиб.
Кетмайсизми юздан ўпиб,
Вақт ажратинг кунда бир бор.

Куни билан тиним билмас,
Ҳар ҳил гапга парво қилмас.
Хонимга гул келтиринг бас,
Вақт ажратинг кунда бир бор.

Alringold ни севаман дэнг,
Бўлса улашай бағрим кенг.
Ойижоним сизга битта енг,
Заказ қилдим сиз учун мен.

Бахт қасрини бордир сири,
Оилани сиз сиз фахри.
Совға салом ширин сўзли,
Вақт ажратинг кунда бир бор.

Оилавий дам олишга,
Юринг хоним қачон дэйсиз.
Доим дэйсиз Яқшанбада,
Аранг топиласиз тунда.

Молу дунё ўз йўлида,
Совға салом чин кўнгилда.
Ғаниматмиз бу дунёда,
Вқт ажратинг кунда бир бор.

Сувсиз қолган гулдек сўнар,
Ширин сўзга лойиқ гуллар.
Аттанг қилманг кеч қолиблар...
Вақт ажратинг кунда бир бор.....

Севганим Аллоҳ

Хаёл суриб юрар бўлдим,
Осмонларни кезар бўлдим,
Юрагимга кўмиб қўйдим,
Мен сени индамай севдим.

Сўзларимдан тушмайсан хэч,
Мен билансан эрта-ю кеч,
Таскин олар юрагим тинч,
Яхшиямки сени севдим.

Куним, умрим барокатли,
Сўзлар болли сен туфайли.
Юзимда нур, қалб куёшли,
Армонларсиз сени севдим.

Рақаминг ҳам ёддан чиқмас,
Ўзгартириб хэч ким куймас.
Тушларимга кир илтимос,
Менда сира армон колмас.

Зикр билан куним шодон,
Сен туфайли инсон омон,
Асрар бирла яхши ёмон,
Яхшиямки сени севдим....

Кулфат келса асрагувчим,
Ҳасратларим тинглагувчим.
Яхшиямки сени севдим,
Муҳаббати чин Аллоҳим.

Қизалоғим

Юрагида орзуси лим,
Юзлари нурли гулойим.
Сўзларида томар болим,
Меҳрибоним кизалоғим.

Беғуборча ҳолим сўрар,
Онасига ҳавас килар.
Ўпиб қўлим дуо олар,
Омон юргин кизалоғим.

Ўқишларинг ўлсин аъло.
Доим бўлгин чакқон дано,
Сўзларида бордир маъно,
Кулиб юргин кизалоғим.

Рўмоллари ярашганим,
Зикирлардан қолмаганим.
Аъло ўқиб тинмаганим,
Бахтимга соғ бўлгин қизим.

Кеча эдинг митти қизча,
Дэб юардинг атта атта.
Кўз тегмасин беғуборим,
Бахтимга соғ бўлгин қизим.

Бахти порлоқ зухройимсан,
Келажаги порлоғимсан.
Борсан шодман хаётимдан,
Бахтимга соғ бўлгинқизим.

Исминг мосдир жисмингга ҳам,
Жаннат ҳидли гул Райхоним.
Жонимсан ягона борим,
Меҳрибоним она қизим....

Бевафога куним қолмасин...

Юрагимни тифсиз тилдилар,
Ошиқ кўнглим ўйн қилганлар.
Кўнгил овлаб сира толмаган,
Бевафога куним қолмасин.

Дардларимга дош бермас фалак,
Соя солар булут ҳам ҳалак.
Тохир Зухро ишқидир эртак,
Бевафога куним қолмасин.

Йўлларимга тўшалган ҳазон,
Ишқ муҳаббат, вафо ҳам сарсон.
Кўзларимга тўлганку армон,
Бевафога куним қолмасин.

Севибману севилолмабман,
Ё севилиб англаёлмабман.
Кўнглим билан уришар кўзим
Бевафога куним қолмасин.

Унсиз йиғлар юрак бечора,
Эрмакмиди хислар начора.
Елғон ишққа юрак оввора,
Бевафога куним қолмасин.

Сохталарга тўлган бу дунё,
Вафо бўлиб қолдим руё.
Бир юракда икки ишқ дарё,
Бевафога куним қолмасин.

Дил бермайман энди мен содда,
Ёмғир бўлиб тўкилмайман ҳам.
Бахтим келар сабирдан вада,
Бевафога куним қолмасин.

Байрам шукухи!

Офарин-у кувноклар,
Юраги олов дўстлар,
ТИББИЁТГА ярашар,
Кубик кўтарган қўллар.

Энергия зўр бўлди,
Маданий дам олишлар.
Хар чиқишингиз аьло,
Дэйман тасанно дўстлар.

“ҚИТМИРЛАР”, “АФУ ФАКТР,
“РЕКОРД”, “ЧЕЙБЕРС” жамоа.
Сизга нурун сочади,
“ҚОРА ЮЛДУЗЛАР” унда.

Шарқона таълим мана,
Тарбия юракларда.
Иқтидор эгалари,
АФУ олийгохида.

Жамоалар бирма бир,
Қалбларда ўрин олди.
Зукколик қиламан дэб
Бироз оширибворди.

Эх бу муштимзурлар,
Қитмирликни эплашди.
Аммо Ректор, туйтерга,
Гап отиб адашишди.

Тарихга назар солиб,
Барчин Алпомиш келди.
Фармонбиби хонимлар,р
Палакни босиб олди.

Илк қувноқлар лигаси,
Ёмон эмас зўр бўлди,
Тажрибалар алишиб
Кўнгиллар нурга тўлди.

Дўстлашар беш жамоа,
КВЗ ўйинларда.
Энди олға юрамиз,
Республика ойинларга.

Тиббиёт

Илимлар кони сенда,
Сенла маъноли хаёт,
Дуст бизга хар жамоа,
Омад сенга тиббиёт.

Тажрибалар кун сайин,
Юксалар ўғил қизинг.
Очилмаган чирралар,
ҚВЗ очиб берар.

Сенда шаркона таълим,
Тарбияда бул ибрат.
Чикади сендан олим,
Омад сенга тиббиёт.

Маъноли хар бир ишинг
Алфраганус номинг.
Чексиздир йўналишинг,
Юксалиб борар шонинг.

Талабалар лигаси,
Кўнгил олиш бошлайди,
Тадбиқ этиб махорат,
Омад сенга тиббиёт.

Сенда шақона таълим,
Тарбияда бўл ибрат.
Чикади сендан олим,
Омад сенга тиббиёт.

Бир кун кетсам....

Бир кун кетсам остонингиздан,
Сизга рахмат айтиб кетаман.
Юрагимга кўмган ишқингиз,
Уйингизга ташлаб кетаман.

Бир кун кетсам остонангиздан,
Афсусларга ёндириб кетай.
Қайтишимни бир умур кутинг,
Қайтмасамда мен баҳга етай.

Бир кун кетсам остонангиздан,
Армонларни ахтариб йиғланг.
Қадирсиз ўткан йилларимни,
Қадрин кўмсаб соғиниб яшанг.

Бир кун кетсам остонангиздан,
Чироқ билан кунда қидиринг.
Сизга берган ҳар бир меҳримдан.
Йўқлигимга чидолмай ёнинг.

Бир кун кетсам остонангиздан,
Гулларимдан сўраманг мени,
Менсизликка чидолмас ахир,
Улар билмас бағритошликни.

Бир кун кетсам остонангиздан,
Хазонларга айланган умрим.
Сархисобин қандок айтаман,
Сўраб қолса парвардигорим.

Бир кун кетсам остонангиздан....
Сиз бахтларга тўлаоласизми?
Чидолмаган ҳаёт сўчмоғин
Зарбасидан ўтоласизми?...

ОШИҚ КҰНГИЛ

Хаётимга олибкел маъно,
Садоқатни сенда кўрайин.
Ишонаман мен сенга аммо,
Ишонишинг ўзингга қийин.

Муҳаббатдан бонг урсин кўнгил,
Тақдиримни гўзал қил эй вох.
Сохталарга учратма қўйгил,
Мени асра ўзинг бўл панох.

Ярим кўнглинг келар тўлдиргим,
Ишқга яна изин бер бир бор.
Қадам ташлар сенла юрагим,
Ожиза лек, мақсадлари бор.

Қўлинг тутай, қўлим тут сен хам,
Тақдиримга битилгани бўл.
Истихора намозимда ҳам,
Бир нечалаб узатдингку қўл...

Ёлғон эмас кўнгил қўйганим,
Қўлларингдан тутди хаёллар.
Тан оламан мағрур бўлсам хам,
Сенга мухтож йиғлар кўнгиллар...

ЁНИМДА ҚОЛГИН ЁДИМДА ЭМАС

Аламли ёмғир юрагим ўяр,
Ишқ, муҳаббат бор, кўнгилни туяр.
Макрлари кўп, гўзал санамлар,
Ёнимда қолгин ёдимда эмас.

Суратимгамас сийратимга боқ,
Давлатимгамас ботинийга боқ.
Мендан кўра кўпроқ, Онамга ёқ,
Ёнимда қолгин ёдимда эмас.

Уч, тўрт йил эмас бир умур яша,
Жоним шартлашма, жонимни сўра.
Аллоҳим тақдир қилибди қара,
Ёнимда қолгин ёдимда эмас.

Ватаним

Яшнасанг яшнагай, гулгун ҳаётим,
Дард чексанг вайрона ортар фиғоним.
Сендайин бирон тинч макон кўрмадим,
Порлаган куёшим Она Ватаним.

Қуллуқлаб сенга мен, қиламан тазим,
Улуғлар ёди бор, янграйди созим.
Мусаффо осмоним баланд парвозим,
Аллеси ярашган Она Ватаним.

Боболарим руҳи ёритар йўлим,
Дуолари безар отам Юртбошим
Кўкси тоғим, боғи бўстоним элим,
Тинчлиги ярашган Ўзбекистоним.

ЮРТБОШИМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ҲОТИРАСИГА

Мангу Борсиз

Жаҳон йиғлаб бугун тинди, бугун кўнди,
Бу кўнишлар юрагимни ёмон тилди.
Кўнгил эслаб ҳамон Ҳаққа дуо қилди.
Жаннатларни боғларидан жой олгансиз,
Бутун Ҳалқни дуосида мангу борсиз.

Юрагимда армонларим мени еди,
Сизни кўрмоқ маҳшарларга қолиб кетди.
Сизни эслаб отам ҳар кун мақтаб деди,
Бу ютуқлар Каримовни битиклари.
Яхши шогирт тарбиялаб кейин кетди.

Ҳаловатни билмади Эл гуллагунча,
Азобини сезмади у ўлмагунча.
Фақат Ватан жоним деди армон кучди,
Зиёратлар кўрмай ўтди волидаси.
Қандоқ ўғил бўлдим деди йиғлаб Она,

Беш минутлик уйқи унга кўп ҳам эди,
Келажакни тушларида кўриб дерди.
Ўзбекистон боғ бўлади, роғ бўлади,
Фикри ёди Обод Элим, Ватан бўлди.
Бугун бизга қолди фақат унинг ёди,

Қабргача илим излаб топдилар шон,
Амаллари Ҳаққа етди тинчмиз ҳамон.
Ўғил-қизим дея берди қанча имкон,
Минбарларни чўққисида кўрки осмон,
Сиз яратқан боғим мени Ўзбекистон.

Ёнимизда бўлсангиз бўлмасмиди,
Шеърларимда умур тилаб юрмасдим.
Йиғлаб эмас, кулиб сизни сўзлармидим,
Сўзларимда куй ва кўшиқ битармидим,
Сизни кўриб мен ҳам бахтга етармидим.

Кафтларимни очканимда ёдимдасиз,
Ёнимдамас дуойимда қалбимдасиз.
Юртим Ҳалқим дуосида мангу борсиз,
Жойларингиз жаннатларни боғи бўлсин.
Ярқираган илк қўёшим, нури қайноқ
Одам Ато сизга очди мангу қучоқ....

Кечалари ҳаловат йўқ уйқусида,
Охиратни ўйлар эди йиғлаб кунда.
Савоб амал қилолдимми шу умримда,
Ботиний қалб жаннатга йўл экан бизга.
Жойларингиз жаннатларда бўлсин ота,
Сиз биринчи юртбошимсиз, бир умурга.

Ҳаёт

Савдойига ўхшаб қолдим,
Дунё дедим тўхтаб қолдим.
Ҳатойимга калтак едим,
Савалади мени ҳаёт.

Шукрум бўлмай уф деганман,
Баъзан ёлгон сўз айтканман.
Билиб билмай йўқ деганман,
Савалади мени ҳаёт.

Кечир дедим гуноҳ қилдим,
Йиқилганда ўла дедим.
Йўлларимга тикон тердим,
Савалади мени ҳаёт.

Насиҳатга кўз юмдим жим,
Сипо бўлиб ер тишлатдим.
Кимга ёлгон кимгадир чин,
Савалади бизни ҳаёт.

Ибодатда оқсоқ кўнглим,
Била туриб вақт топмадим.
Кўз ва қошга тенгдир умрим,
Савалади кўпни ҳаёт.

Синовларга қовоқ ўйдим,
Баъзан жондан ёмон тўйдим.
Ўзимга ҳон бек ҳам бўлдим,
Савалади дилни ҳаёт.

Қанча кўзга кўзлар тикдим,
Гуноҳини унга йўйдим.
Гуноҳсизман кечир дедим,
Савалади мени ҳаёт.

Хавас эмас ҳасадга дўст,
Гапларига ташлайман пўст.
Умур ўтар деб каму кўст,
Савалади кўпни ҳаёт.

Бир қаричдир соқоллари,
Суннат кийган либослари.
Таниб бўлмас ёшу қари,
Савалади бизни ҳаёт.

Отинларни қоши соҳта,
Қолмадику гапи паҳта.
Лол қоласан баъзан гапга,
Савалади бизни ҳаёт.

Ўтирганинг бир курсидир,
Обрў мансаб вақтинча бил.
Нафсга қулмас яхшилик қил,
Савалайди унда ҳаёт.

Камбағални нонидир тош,
Сен еяпсан мақтаниб ош.
Яна дейсан оғритма бош,
Савалайди билгин ҳаёт.

Ҳаё қилмай қилар нола,
Йўқ амалга жаннат сўрар.
Қурон ўқи ундан кўра,
Савалади бизни ҳаёт.

Узилсина қадамларинг,
Майҳонани эшигидан.
Авлиёлар чиқган аҳир,
Ўзбегимнинг бешигидан.

Ёндирасан, мен ёнаман,
Қўлим мушт дегайман дод.
Одам эмас эй одамзод
Савалайди сени ҳаёт.....

Сенсиз

Кулишимга армон йўл қўймас,
Ўлишимга виждон йўл қўймас.
Оёқларим асло бўйсинмас,
Яшаяпман индамай сенсиз.

Маломатда ёнмайин дедим,
Адолатни кутайин дедим.
Хаммасига кўнайин дедим,
Яшаяпман индамай сенсиз.

Ғуруримни пойингга отдим,
Дардларимни Аллоҳга айтдим.
Не бўлса ҳам яхшилик дедим,
Яшаяпман индамай сенсиз.

Армонимни шамоллар элар,
Ишқ, Айрилиқ куйларин чалар.
Сўзларингга кўзларинг йиғлар,
Яшаяпман индамай сенсиз.

Вайронадур вужудим завол,
Висол кеча сўзларинг увол.
Тўкиляпман синяпман беҳол,
Яшаяпман индамай сенсиз.

Ачинмайман ўткан умримга,
Озор берма қайтиб кўнглимга.
Майли кет! Чикма йўлимга,
Яшагайман индамай сенсиз.

Яхшиликлар изладим фақат,
Сенчи роса қилибсан тухмат.
Орзулари олам эди деб,
Етмоқликка кетди қўл силтаб.

Бўхтонларни бас қилсанг яхши,
Ҳаётимни бўлгин сен нақши.
Майли сира бўлмадим яхши,
Яшяпман индамай сенсиз,
Сен ҳам яша индамай менсиз.

Кўнгил ноласи

(нотаниши бир икки инсонни суҳбатидан сўнг битилган шеър)

Севишимни биласан гулим,
Базан малол келади сўзим.
Ҳатойингга юмаман кўзим,
Урушмагин сен фарзандларим.

Бебош экан ёшлигим қара,
Гуноҳимни ўзимдан сўра.
Қарғамагин бегим деб кўра,
Мухаббатга ўраин сени.

Ётибдими кечаги кирлар,
Уйимиздан чиқмасин сирлар.
Устимиздан кулади улар,
Дугонанга дардинг айтмагин.

Райҳон экгин ариқ бўйига,
Фаришталар кирар йўлига.
Сано бўлсин сўзларинг менга,
Гуноҳимни олмагин гулим.

Супурибсан жонинг соғ бўлсин,
Мўсирини кўшни кўрмасин.
Ариғига ташлаб қўйибсан,
Олиб қўйдим ҳеч ким билмасин.

Эшитмасин овозинг кўшни,
Майли дамла ейлик кел ошни.
Термапсанку ичидан тошни,
Бас, ўчиргин қўй телефонингни.

Тугамайди рўзғорни ками,
Шукринг берар ҳўп баракани.
Фарзандларим қувончим мани,
Қувончларга тўлсин кўзлари.

Ўзига ҳон, ўзинга бексан,
Кўз юмаман оилам деб ман.
Панд емагин кечир деб айт сен,
Гап сўзларга учмагин гулим....

МУҲАББАТ

Қачон мени қўймоқчисан тинч,
Сендан чандиғ юракда ўкинч.
Дунёларни қамраган соғинч,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Дастурхондек ёзилибди дард,
Сомоларга сўзлаб берибсан.
Шодсан сенга йўламаган гард,
Узоқлашиб кеткан Муҳаббат.

Тунларимни ёритарди ой,
Ой беркинар кетдими чирой.
Юлдузларни ҳасратига боқ,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Ҳасратингдан ҳолсиз у қара,
Порлолмаган тансиз у қара.
Армонни сен ўзингдан сўра,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Ёзиб эркинг кўкка бўй чўзиб,
Юракни сен кетдинг тўзитиб.
Тургандирсан балки кузатиб,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Тушимда...

Майсалар шивири муҳокамада,
Қуёш булут билан талашади
Жой.

Мен сени кўрганман гўё тушумда,
Аммо учрашмадик ҳали ҳойноҳой.

Тонг саҳар деразам чертмоқда бир қуш,
Номасиз мактуби тумшуғида миш.

-“Севаман сени”

Ман кўряпманми? Туш,
Шу кундан сени кутаман хомуш.

Жавонимда мактуб эслатар сени,
Яноғинг қизилми?, лабларинг ғунча.
Тасаввурим сурат чизган кечада,
Мен сени кутяпман, ноз қилма бунча.

Мен сени севаман ўзимдан кўпроқ,
Тушдир майли севги, севгим афзалроқ.
Раҳмоним солган сени, дилимга шундоқ,
Бир умур куттирма, келгин сен тезроқ.

ОНА

Сахар турсам нонуштам тайёр,
Сафар кетсам дуоסי бисёр.
Қучоғи кенг қайноқ бетакрор,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Ишим дея ботиб кетсам ҳам,
Иссиқ чойга ташна бўлган он.
Эслатишинг Раббимга аён,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Меҳр деган булоқ бор унда,
Саволи йўқ жаннат бор унда.
Болам дея бедор ҳар тунда,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Оқ қушимсиз йўлларимдаги,
Гуллар сизга қўлларимдаги.
Баракамсиз ишларимдаги,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Думоғимдан иффоринг кетмас,
Томоғимдан ошларим ўтмас.
Дуойингсиз тоғлар тоғ эмас,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Тўқсонда ҳам жажи боламан,
Гоҳ чақимчи бўлиб қоламан.
Ҳудойимдан умринг сўрайман,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Болам дейди сендан кўнглим тўқ,
Омонатдир укаларинг шўқ.
Сира ўзин ўйлагани йўқ,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Тикон кирса юраги ёниб,
Йиглар онам тиконим териб.
Шифо сўрар йиғлаб ёлвориб,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она.

Сиз бор уйим жаннатни ўзи,
Жоним фидо шириндир сўзи.
Сиз дунёни сўлмас юлдузи,
Сиз ҳаммадан яхшимсиз Она....

Ўхшатиш

«Ёзда қишни, соғиндим жуда,
Куз ҳазони гилам пойимга
Баҳор гуллар тақиб сочимга,
Фасилларни бари ўзгача,
Ҳуш ёқади нафис кўнглингга.
Ёз дейди! Қайноқдир меҳрим,
Куздан салом! Ҳосилим мўлим.
Баҳор аста гуллар тутганда,
Қиш ўйноқлаб олади кўнглим.
Қишда баҳор, ёзда кузни мен,
Соғинишим сирийн айтайин.
Дунё чангин олади у жим,
Захар, чақар удир бетайин,
Лек ҳаммага ёқар, бирдайин.
Кун, ой, йил дан нишона ҳаёт,
Эриб борар шам мисли инсон.
Фасиллардек гўзал ва жумбоқ
Қордек оппоқ, ёздек қайноқ
Одам Ато яратган порлоқ
Оламида бахтдир яшамоқ.....

...ЎША НАВОСАН

Сокинлик эгаллаб митти жуссамни,
Мадҳингни куйлайман ўзлигим таниб,
Юртимга ярашган гўзал оҳангинг,
Юрак торларимни, туради чертиб.

Сеқуёш ўлкамни порлаган нури,
Таърифинг чексиздир гўзал навойим.
Байрамларда ҳалким дилида борсан,
Куйлари беқиёс, ўзинг Мадҳиям.

Кўкда рақс тушар, созингга кушлар,
Сеҳирли куй наво, янграйди сенда.
Бош эгар адирда лола-ю, гуллар,
Шонимсан, жонимсан узинг Мадҳиям.

Зафарлар кучсам сен қўллаб турасан,
Минбарларим билсанг сенсиз татимас.
Мен сени ўша шўх, қишлоқли кизчанг,
Барнойинга шонлар сенсиз, керакмас .

Ёясан шонларинг, дунё замингга,
Русча, инглиз тили таниб оламан.
Бошқача янграйсан, она тилимда,
Мадҳиям ўшадир, ўша навосан.

БАЙРОҒИМ ТУҒИЛГАН КУН

Юрагимда оқар қон,
Осмоним мовий бирам.
Пок қалбимла жисми жон,
Яшил қир адир лолам,
Байроғим туғилган кун.

Ўн икки ой жамладинг,
Ойни она айладинг,
Гумбазларга жойландинг,
Юртим ифтиҳоридан,
Байроғим туғилган кун.

Саболарга кўрк бериб,
Ўғил қизга эрк бериб,
Салтанатим бой қилиб,
Юксалиб валломатим,
Байроғим туғилган кун.

Гумбазларга чиққунча,
Не кунларни кўрмадинг,
Не зотлар қони сенда,
Мағрурсан сийиосида,
Байроғим туғилган кун.

Мангулик қўлга олиб,
Осмон билан бирлашдинг,
Амур Тимур, Фарғоний,
Боболардан эсталик,
Байроғим туғилган кун.

Садоқат сеҳри учар,
Беғубор осмон замин.
Ҳалоллик рамзи порлар,
Лочиндек кенг қанотинг,
Байроғим туғилган кун.

Занжир аҳил қўллардан,
Зим зимистон йуллардан,
Ҳасадгой титрқ қалбдан,
Ғанимларни енган кун,
Байроғим туғилган кун.

Ярашганим ўлкамга,
Саждагоҳим қибламга,
Улуғлангай элимда,
Муродил манзилимда,
Байроғим туғилган кун.....

Ўғлонлар (табрик қўшиғи)

Бугун сиз учун олқишлар бисёр,
Бугун сиз учун табриклар тайёр.
Сизларга доим элда, тинчлик ёр,
Юртимнинг жасур мард ўғлонлари.

Ватан сархади химоячиси,
Эл-юртга садоқат, шараф шони.
Сиз билан халқни обод хаёти,
Мардона хизмати юрт ўғлонлари.

Ватан равнақа сиз билан боқий,
Келажак сизла авлод абадий.
Бирингиз Темур, Бобур, Навоий,
Сиз меросхўрисиз, Ал Фаробий.

Бугунн сиз учун олқишлар бисёр,
Бугун сиз учун табриклар тайёр.
Сизларга доим элда тинчлик ёр,
Юртимнинг жасур мард, ўғлонлар

Билаги зўрлар бирни енганда,
Билими зўрлар мингларни енгар.
Муштарак кўнгиллар, танходир,
Чинакам ботирсиз ватанпарлар.

Зиё нурлари юздан таралар,
Бахт, омад қувонч дунёни безар.
Кўнгли пок, яхшилик уруғин экар,
Саркарда, олим, сиз зиёлилар.

Бугунн сиз учун олқишлар бисёр,
Бугун сиз учун табриклар тайёр.
Сизларга доим элда тинчлик ёр,
Юртимнинг жасур мард, ўғлонлар...

Нола...

Севишимни биласан гулим,
Базан малол келади сўзим.
Ҳатойингга юмаман кўзим,
Урушмагин сен фарзандларим.

Бебош экан ёшлигим қара,
Гуноҳимни ўзимдан сўра.
Қарғамагин бегим деб кўра,
Мухаббатга ўраин сени.

Ётибдими кечаги кирлар,
Уйимиздан чиқмасин сирлар.
Устимиздан кулади улар,
Дугонанга дардинг айтмагин.

Райҳон экгин ариқ бўйига,
Фаришталар кирар йўлига.
Сано бўлсин сўзларинг менга,
Гуноҳимни олмагин гулим.

Супурибсан жонинг соғ бўлсин,
Мўсирини қўшни кўрмасин.
Ариғига ташлаб қўйибсан,
Олиб қўйдим ҳеч ким билмасин.

Эшитмасин овозинг қўшни,
Майли дамла ейлик кел ошни.
Термапсанку ичидан тошни,
Бас, ўчиргин қўй телефонингни.

Тугамайди рўзғорни ками,
Шукринг берар ҳўп баракани.
Фарзандларим қувончим мани,
Қувончларга тўлсин кўзлари.

Ўзига ҳон, ўзинга бексан,
Кўз юмаман оилам деб ман.
Панд емагин кечир деб айт сен,
Гап сўзларга учмагин гулим....

МУҲАББАТ

Қачон мени қўймоқчисан тинч,
Сендан чандиғ юракда ўкинч.
Дунёларни қамраган соғинч,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Дастурхондек ёзилибди дард,
Сомоларга сўзлаб берибсан.
Шодсан сенга йўламаган гард,
Узоқлашиб кеткан Муҳаббат.

Тунларимни ёритарди ой,
Ой беркинар кетдими чирой.
Юлдузларни ҳасратига боқ,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Ҳасратингдан ҳолсиз у қара,
Порлолмаган тансиз у қара.
Армонни сен ўзингдан сўра,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Ёзиб эркинг кўкка бўй чўзиб,
Юракни сен кетдинг тўзитиб.
Тургандирсан балки кузатиб,
Узоқлашиб кеткан муҳаббат.

Меҳмон барча асли дунёга,
Боши осмон дунёси соҳта
Яхши, ёмон ҳаттоки сўзлар,
Гумон сабаб мавжланар кўзлар.

Бир лахзалик асли бу дунё,
Тан-га либос ибо ва ҳаё.
Меҳримизни қўшайлик бирга,
Илтимосим фақат шу сизга.

Айрилиқлар қолсин уялиб,
Яхшиликлар ҳамиша ғолиб.
Ёмон одат боши эгикдир,
Яхшиликка олган суялиб.

Упурмоқда саждада меҳр,
Раҳмонимни бағри кенг аҳир.
Саловати ҳаммаси сеҳр,
Бўлмасангиз бўлди бемеҳр.

Барчамизни отамиз тупроқ,
Бу ишларга босябди титроқ.
Одам Ато бағридир кенгроқ,
Қанча имкон яратмиш Аллоҳ.

Гуноҳларга тўлган дунёда,
Яшяпмиз аҳир начора.
Мен сизга, сиз эса менга,
Гапирамиз бўлиб бечора.

Майли қолсин ичингизда ёв,
Ёмонини билмасин биров,
Сизни яхши дея эсласин,
Танимаган бўлса ҳам дарров.

Кафтингизни очинг ва қаранг,
Раҳмонимни биткан байти бор.
Биз мусулмон бандамиз аҳир,
Ҳаммамизга ширин сўз тайёр.

Мен сизларга айтаман такрор,
Бетакрорсиз жуда бетакрор,
Яшаяпмиз ёруғ дунёда,
Яратканни мўжизаси бор.
Ё Раб сенга ожиз бандангдан
Ёғилсин кўп саловат... бисёр.

Майсалар шивири муҳокамада,
Қуёш булут билан талашади
Жой.

Мен сени кўрганман гўё тушумда,
Аммо учрашмадик ҳали ҳойноҳой.

Тонг саҳар деразам чертмоқда бир қуш,
Номасиз мактуби тумшуғида миш.

-“Севаман сени”

Ман кўряпманми? Туш,
Шу кундан сени кутаман хомуш.

Жавонимда мактуб эслатар сени,
Яноғинг қизилми?, лабларинг ғунча.
Тасаввурим сурат чизган кечада,
Мен сени кутяпман, ноз қилма бунча.

Мен сени севаман ўзимдан кўпроқ,
Тушдир майли севги, севгим афзалроқ.
Раҳмоним солган сени, дилимга шундоқ,
Бир умур куттирма, келгин сен тезроқ.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ЎЗБЕГИМ.....	6
МЕХР ОҚИБАТ.....	7
ҚАЗОГА ҚАДАР.....	8
Садоқатин синаманг эркак.....	9
ЯНГИ ЙИЛ.....	11
Янги йил.....	13
Севинг ўзингизни бугундан бошлаб.....	17
Юртим посбонлари.....	19
Бағрингизда сизни овунган кўнглим.....	21
ИЛТИЖО.....	23
Прократура ходимлари.....	26
АЁЛ.....	27
Дунёга назар.....	29
ВАТАН.....	37
Тушларимдасан.....	38
Талаба дафтаридан.....	40
Устоз.....	42
ЯХШИЛАР.....	43
Ошиқ йигитни бўй эркатой қизга сўзлари.....	45
Бунча бағринг тош сени.....	48
Армон.....	50
КЎНГИЛ.....	51
Махшаргаа.....	52
Эркин домла Эшбаев.....	54
Айт мен сенга аслида кимман.....	57
Шифокорлар.....	59
ШИФОКОРЛАР.....	61
АЛФРАГАНУС.....	63
Вақт ажратинг.....	67
Севганим Аллоҳ.....	69
Қизалоғим.....	70
Байрам шукуҳи!.....	73

Тиббиёт.....	75
Бир кун кетсам.....	76
ОШИҚ КЎНГИЛ.....	78
ЁНИМДА ҚОЛГИН ЁДИМДА ЭМАС.....	79
Ватаним.....	80
Мангу Борсиз.....	81
Ҳаёт.....	83
Сенсиз.....	86
Кўнгил ноласи.....	88
МУҲАББАТ.....	90
Тушимда.....	91
ОНА.....	92
Ўхшатиш.....	94
ЎША НАВОСАН.....	95
БАЙРОҒИМ ТУҒИЛГАН КУН.....	96
Ўғлонлар (табрик кўшиғи).....	98
Нола.....	101
МУҲАББАТ.....	102
Мундарижа.....	106

Всероссийский информационно-образовательный
портал «Магистр»

16+
Методическое пособие

Юлдашева Барно Хоним Марибжановна

КУНГИЛ ВАРАКЛАРИ

Сборник стихов

Председатель оргкомитета: Ирина Фёдоровна К.

Email: metodmagistr@mail.ru

Тел. редакции: +7 923 606 2950

Главный редактор: Вознов Александр Сергеевич

Email редакции: magistr-centr@magistr-r.ru

Информационно – образовательный ресурс

"Магистр": Елена Владимировна В.

Email: magistr-centr@mail.ru

Сетевое издание «Магистр»

СМИ Серия ЭЛ № ФС 77 – 75609

от 19.04.2019 г.

(РОСКОМНАДЗОР, г. Москва)

ИНН 4205277233

ОГРН 1134205025349